

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

“МУСИҚА НАЗАРИЯСИ” КАФЕДРАСИ

ПОЛИФОНИЯ ФАНИДАН

РЕФЕРАТ

Мавзу: “Рус композиторлар полифонияси”

Мусикашунослик бўлими
4-босқич талабаси
Аъзамжонова Н.

Тошкент – 2010

Глинкагача бўлган рус полифонияси

Рус классик полифониясига кириш

Полифоник услуб рус музикаси учун азалдан хос бўлган хусусиятдир.

Халқ оғзаки ижодида овоз ости полифоник тузилма шаклланди ва бу рус халқ музикасининг ўзига хос характериға айланди. Аста-секину рус музикасининг ёзув аъаналари томонидан ўзлаштирилди.

Халқ овоз ости полифониясининг пайдо бўлиш вақти аниқ эмас. XVIII асрда черковда ижро этиш учун мўлжалланган кўп овозли асарларда овоз ости полифониясининг элементлари кўринган.

Овоз остининг полифониянинг бир кўриниши эканлиги фақатгина XIX асрга келиб назарий жиҳатдан исботланган.

Овоз остилик элементлари XVIII асрнинг 2-ярмида шаклланаётган рус композиторларининг инструментал музикасига аста-секин кириб кела бошлади.

Рус халқ хор кўшиқлари учун имитация кам даражада хосдир.

Шуниси қизиқарлики XIX асрнинг 80-йилларида немис газетасида Петербургдан юборилган мақола нашр этилади ва унда халқ кўшиқчиларининг куйлашлари куйидагича таърифланади:

“Хар бир овоз ўз куйини ижро этади, барча овозлар куйчанлик табиатини сақлаб қолган ҳолда фугасимон боғланиб кетади ва аккорднинг деярли барча тонларини камраб олади”.

Бу рус халқ куйларида полифониянинг ривожланиши ҳақидаги муҳим фикрдир.

Халқ хор кўшиқларида қачондир ривожланган фуга шакллари пайдо бўлган ва кейин йўқолиб кетган деган фикр ноўриндир. Халқ кўп овозли музикасида шундай фактурали йўналишлар пайдо бўлганки, улар тўғридан-тўғри имитацион шаклларға олиб келган. Бундай шакллар қаториға хорға навбатма-навбат қўшилаётган овозларни киритишимиз мумкин. Бу имитация пайдо бўлишиға қўйилган қадамлардан бири бўлган.

Илк рус профессионал музикасида имитациянинг пайдо бўлишиға ўз вақтида кенг тарқалган вокал жанр – кант асос бўлган. Бу ерда имитация аниқроқ ва сатр бошида жойлашган.

Тўлиқ фугалашган шакллар рус асарларида XVIII асрнинг охири чорагида биринчи бўлиб хор мусиқасида пайдо бўлади. Бу нарса кўп рус композиторлари ўз билимларини Италияда оширишганлиги билан боғлиқ.

Рус классик мусиқаси полифония соҳасида кўп янги ва қизиқарли нарсаларни киритди.

Рус полифониясининг ўзига хослиги халқ кўшиқлари билан боғлиқ. Профессинал санъатда контрапункт ва имитация шакллари ривожланиши халқ-полифоник принциплар асосида яратилган. Рус полифониясида асосий тенденциялардан бири вариационлик, яъни полифоник вариационликдир. Рус халқ мусиқаси учун хос бўлган вариациялаш усули кўпчилик рус композиторлари томонидан кенг ривожлантирилди.

П.И.Чайковский полифонияси

Чайковский ижодидаги полифоник лавҳаларни мусиқий шакллари жиҳатидан қуйидагича ажратиш мумкин:

а) фугалар, канонлар ва имитацион хусусиятларнинг бошқа кўринишлари;

б) мавзуларни контрапункт услубида қарама-қарши қўйилиши.

Чайковскийнинг полифоник услублари мусиқа асарини ривожловчи драматургик воситаси вазифасини бажаради. У бир мавзуни такрорлашда полифонизациядан фойдаланади ва бунинг натижасида “полифоник вариация” деб номласа бўладиган шакл юзага келади.

Шунингдек Чайковский мустақил полифоник шакл бўлган фуга ва унинг турли ўзгаришлари билан келган шакллардан фойдаланади (фугато). Унинг асарларида куйчанлик бирламчи вазифани бажаради.

Композитор фойдаланган полифоник намуналарни қуйидаги тартибда териш мумкин:

а) полифоник-вариацион туркумлар;

б) мусиқий баённи жадаллаштиришнинг полифоник услублари;

в) фугалар.

Полифоник туркумнинг энг оддий кўринишида полифоник тарзда такрорланган мавзу орасига нисбатан контраст холда келган қисмларнинг киритилиши. Бундай шакллар мураккаб учқисмли шаклни ташкил қилади ва куйидаги схема билан белгиланади:

а ўрталик а ¹ I қисм	Ўрта қисм	а ² ўрталик а ³ III қисм	Кода
А	Б	А ¹	

Бу ерда а – контрапунктли овозлар киритилган даврия шаклидаги мавзу. а - а¹ - а² - а³ эса вариацион туркумни ҳосил қилади.

Чайковский лирик мусиқасида ноимитацион, “ҳамоҳанг” қарши тузилмалар кўп учрайди. Ривожлов қисмларда эса имитацион полифония кульминацияни тайёрлашда ва кульминациянинг ўзида қўлланилади. Типик кульминациянинг таркиби куйидагича бўлади:

Юқоридаги овозлар – асосий куйчан материал;

Ўрта овозлар – аккордли тўлдириш;

Пастки овозлар – юқоридаги овозларга қарши йўналишдаги тузилма; баъзида орган пункти киритилади.

Камдан-кам ҳолларда бундай тузилмаларда аввал янграган мавзуларни контрапункт услубида киритилиши учрайди. Масалан: оркестр учун 2 сюитаси, I қисм.

Чайковский бир қатор асарларида фугато муҳим функционал вазифа бажаради. Бу шакл ривожлов қисмлари учун жуда қулайдир. Композитор ундан ўзининг эртанги асарларида фойдаланган. Масалан: I симфония, 2-квартет, 3 симфония. Фуга шаклининг юксак намунаси – оркестр учун 1-сюитасидаги фугадир.

Чайковский полифонияси – рус ва жаҳон полифоник санъатининг муҳим давридир. Унинг полифоник техникаси бой ва сермазмун.

С.Танеев полифонияси

Рус классик композиторлари ичида Танеев ўз асарларига энг мураккаб полифоник шакллар киритганлиги билан ажралиб туради. Унинг полифониясида ҳаракатчан контрапункт асосий ўрин эгаллайди.

Танеев ҳаракатчан контрапункт қонуниятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратган. У асосий куйчан овоз асосида янги вариантларни излаб топиш, унинг интонациялари асосида кўп овозли тузилма яратиш, яъни мусиқий образни чуқурлаштириш учун контрапунктнинг ички имкониятларини аниқлашнинг назарий муаммоларини хал этишга ҳаракат қилган. Танеевнинг назарий ишлари, унинг ҳаракатчан контрапункт тўғрисидаги таълимоти рус композиторларини вариацион ривожловнинг янги шакллари яратишга ундади.

Вертикал-ҳаракатчан контрапунктнинг вариацион ривожланишига мисол қилиб “Иоанн Дамаскин” кантатасининг I қисмидаги фуга экспозициясини кўрсатиш мумкин.

Фуга шакли ҳам Танеев ижодида катта ўрин тутади. Композитор бу шаклдан соната шаклининг финалида (C-dur квартети, фортепиано квартети ор.20) контраст-таркибий шаклда (“Прометей” хори), мустақил прелюдия ва фуга шаклида (фортепиано учун прелюдия ва фуга, “Иоанн Дамаскин” кантатасининг I а финал қисмлари) фойдаланган.

А.Глазунов полифонияси

Глазунов услубининг хусусияти мавзуларни қисқа-қисқа бўлиши, ривожланиш жарёнида эса уларни кенг ва кўп мартта такрорланишидир. У полифоник, хусусан имитацион услубдан кенг фойдаланган.

Глазунов контрастли контрапункт услубидан ҳам кенг фойдаланган. У бу усулни имитацион услуб билан бирлаштиради ва туркумли шаклларнинг вазмин қисмларида фойдаланади.

Фуга шакли Глазуновни ижодининг дастлабки даврлариданок қизиқтирган ва бу шаклда у мустақил асарлар яратган ҳамда соната ва бошқа шакллар таркибига киритган (1-квартет I қисм, 6-симфониянинг кириш қисми).

Глазунов ўз асарларида соната шакли ва фуганинг хусусиятларини бирлаштиради, яъни сонатада асосий мавзу бир неча марта ўзгаришсиз такрорланади фақат ҳар хил тоналликларда.

Композитор учун асосий куйни (бир нечта кўшимча овозлар билан) дублировка усули билан ўтказиш характерли. Бунда терция, секста ёки сексаккордлар қўлланилади. Бундан ташқари Глазунов контраст-мавзули контрапункт услубидан ҳам кенг фойдаланади.

М.И.Глинка полифонияси

М.И.Глинка рус классик муסיқасининг асосчисидир. У ўз ижодида полифоник шаклларга ҳам кўп мурожаат этган. Глинканинг муסיқа услубини, жумладан полифоник муסיқанинг шаклланишида халқ муסיқаси катта роль ўйнайди. Унинг айтишича: “муסיқани халқ яратади, биз композиторлар уни безатамиз” (аранжировка). Полифония соҳасида Глинка ўзидан олдин яратилган барча полифоник усул ва воситаларни мукамал билган, шу билан бирга кўп янгиликлар киритган. У рус халқ овоз ости санъатидан кенг фойдаланган. Анъанавий полифоник услублардан контраст мавзули уйғунлашув, ҳаракатчан контрапункт, имитацияларни кенг қўллаган.

Глинканинг полифоник муסיқаси ташқи кўринишидан классик фуга, канон, имитация, ҳаракатчан контрапункт шаклида, лекин характер жиҳатидан миллий рус муסיқасининг оҳанглари билан йўғрилган. Халқ муסיқасининг овоз ости услубида ёзилган машҳур асарларидан бири - “Иван Сусанин” операсидаги интродукциянинг 1-мавзуси. Бир овозли банддан кейин бирдан 3 овозли хор киради. 5-тактдан 2 овозликка ўтиб, 6-тактда октава, 7-8 тактларда эса унисонга келади. Бундай усул халқ кўповозли муסיқаси учун хосдир. Унисондан кўп овозга ўтиш ҳам кенг қўлланилади. Овозларнинг қўшилиши умумий товуш асосида пайдо бўлади.

Кўп овозли халқ муסיқасининг Глинка ижодидаги намунаси 2 овозли “Разгулялися” деб номланган тўй хоридир (ўзим анализ қиламан).

Кўп овозли халқ муסיқасининг яна бир мисоли “Славься” мавзуси. Бунда 4 овозли тузилмада октава, децима ва терция интервалларида аёллар ва

эркаклар овозлари янграйди. Октавали интервалда янграган овозларни янграшини 1 овоз деб ҳисобласак, умумий фактура 3 овозли бўлиб қолади.

Кўп овозли халқ мусиқаси билан классик полифониянинг уйғунлашуви Глинка ижодида имитация, овоз ости ва овозларни аста-скин киритиш каби услубларни шакллантирди. Бундай тузилмаларнинг бошида берилган 1 овозли куй 2, 3 ёки 4 товушдан кейиноқ 2-овоз билан тўлдирилади, сўнг кейинги овозлар ҳам киритилади. Масалан: “Иван Сусанин” операсидаги “Собинин” арияси.

Глинка учун 4-кўтарилган поғона ёрдамида ҳосил бўладиган пастлама хроматизм типик ҳолдир. Бундай хроматизмлар кўпинча ўрта овозда ҳосил бўлади. Масалан: “Руслан ва Людмила” операсидаги “Финн балладаси”, “Финн ва Ратмир” дуэти.

Имитация, кечиктирилган кириш, жуфтланиш ва хроматизм каби фактурали услублар “Камаринская” даги тўй кўшигининг 1-вариациясида кўришимиз мумкин. Бундай услублар халқ мусиқасининг хор куйлайдиган вазмин суратли кўшикларидан келиб чиққан.

Имитацион полифония усули Глинканинг фугаларида ҳам учрайди.

Октавали имитациядан ташқари кварта-квинтали имитациялар ҳам кенг қўлланилади (масалан, “Руслан ва Людмила” увертюраси).

Кодада секстали имитация “Черномор” ни тасвирловчи бутун тонли гаммага жўр бўлади.

Имитация Глинканинг вокал асарларида ҳам учрайди (масалан: “Не говори что сердцу больно” романсига кириш). Бу ерда ноохангдош интерваллар – нона ва унинг 2 октавадан ошган айланмаси ишлатилган.

Имитация Глинка ижодида мукамал, тугалланган шакл яратишнинг асосий усули бўлиб хизмат қилади. Масалан “Иван Сусанин” операси 3-кўринишидаги квартетдан *Andante*. Бу ерда 1-кўшиқда Собинин, Ваня, Сусанин кетма-кет 1 та мавзуни куйлайди. Ўрта қисмда имитациялар ва вертикаль жиҳатдан овозлар жойини алмаштириш, репризада эса стретталар қўлланилган. Стретталар 2 овозли тузилмалардан иборат: Собинин-Антониди, Сусанин-Ваня. Улар октава интервалида куйлайдилар.

Имитациялашган парчалаш, жамлаш каби ривожлов услубларига мувофиқ келади.

“Руслан ва Людмила” даги Ратмир ариясидаги ривожланиш инглиз сурнаи ва вокал овоз ўртасидаги айтишувга асосланган. Натижада ўзига хос “қўшалок шакл” ҳосил бўлади.

Глинка ўз ижодида чексиз октавали –канондан ҳам фойдаланган. Бунда пропоста жуда қисқа 1-2 тактдан иборат бўлади. Масалан: “Иван Сусанин” операсидаги 3-кўриниш, финал, деҳқонлар хорининг ўрта қисми.

“Не томи родимый” триосида тарангликни бир маромда ушлаб туриш учун ҳам чексиз канон ишлатилган. Бу ерда мавзу (пропоста) мустақил оддий 2 қисмли шаклда ёзилган. Натижада бу канон полифоник вариациялар турини ҳосил қилади. Демак Глинканинг канон шакли банд вариацион романс, қўшиқ шаклидан келиб чиққан.

“Руслан ва Людмила” даги 4-кўринишдаги “Погибнуть” хорида 4 овозли каноник секвенция ишлатилган. Бу ерда 1 тонал нотурғун тузилма 2-си билан алмашади.

Глинка полтфониясида вертикал ҳаракатчан контрапункт ҳам учрайди. У вариациялаш усулларида бири бўлиб хизмат қилади. Масалан: “Комаринская” 1-2 вариация. Бу ерда пастки контрапункт 1 октава юқорига кўтарилади, юқоридагиси эса фақат вариациянинг охирида у билан кесишади.

Вариациялаш усули Глинканинг фугаларида намоён бўлади. Масалан: “Иван Сусанин” операси 1-кўринишидаги интродукциянинг фугаси I қисми иккита мавзудан иборат бўлиб, ривожлови вариацион характерга эга. II қисм вариациялаш ёрдамида ўзгаришлар киритилган фуга. III қисм Кода.

Экспозицияда мавзу 3 мартта ўтказилади (тенор, альт, сопрано), 4-ўтказилиш ўрнига басда янги мавзу киритилади. Худди шу мавзу бир вақтнинг ўзида учта юқори овозда ўтади. Натижада контраст тузилмали даврияга ўхшаш шакл юзага келади (а + б + а + б). Бундай усул запев-припев (хор қўшилиши) халқ қўшиғи шаклини эслатади. Натижада композитор томонидан классик фуга ва банд нақорат шаклини уйғунлаштирувчи янги шакл пайдо бўлади.

Полифоник асарлар ичида фортепиано учун a-moll, Es-dur, D-dur фугалари алоҳида ўрин эгаллайди. Фугато шакли ҳам катта асарлар бир қисми сифатида қўлланилган. Масалан: “Иван Сусанин” операсидаги “Ўрмондаги саҳна”, “Руслан ва Людмила” интродукциясида.

Глинканинг ижодида полифоник услуб билан вариациялаш усули *ostinato* шаклида ҳам намоён бўлади. Масалан: “Иван Сусанин” увертюрасидаги кода. Остинато усули октавали имитация ва чексиз канон билан узвий боғлиқдир. Ундан ташқари Глинка контраст-мавзули бирикмалардан фойдаланади. Бунда у халқ мавзуларини полифоник усул билан бирлаштиради. Масалан: “Иван Сусанин” да асосий қисм мавзулари ва полонез триосидаги мавзулар репризада бирлаштирилади. “Руслан ва Людмила” даги лезгинка мавзуси ва увертюранинг бош мавзуси хотима хорда бирлаштирилади (35 мисол).

Глинка полифониясида турли миллат мавзуларининг бирлаштирилиши ҳам учрайди. (“Иван Сусанин”, 13-саҳна).

Глинка полифонияси рус классик композиторлари ижодига кучли таъсир кўрсатган.